

## **Кассация тартибида иш юритиш одил судлов самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда**

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилишга, хусусан, суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилаётгани инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш самарадорлигини оширмоқда.

Судларнинг жиноий, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослаштирилгани, шунинг баробарида, суд ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриб чиқиш институтининг жорий этилгани ҳам қонуностиворлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

2000 йил 14 декабрда қабул қилинган "Судлар тўғрисида"ги қонунга биноан, қонуний кучга кирмаган суд қарорлари устидан келиб тушган шикоят, протестларни кўриб чиқувчи апелляция инстанцияси жорий этилди.

Айни пайтда кассация тартибида иш юритиш, яъни қонуний кучга кирган суд қарорлари устидан келиб тушган шикоят ва протестлар асосида ишни юқори инстанцияда кўриш тартиби белгиланди.

Кассация инстанциясининг муҳим вазифаларидан бири — ҳар бир кўрилган иш бўйича биринчи босқич судлари томонидан йўл қўйилган моддий ёки процессуал қонунбузилишини ўз вақтида тузатишдан иборатдир.

Кассация шикояти ва протестлари ҳукм чиқарган суд орқали берилади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, суднинг айблов ҳукми, ажрими ёки қарорини, шунингдек, оқлов ҳукмини ёхуд ишни тугатиш тўғрисидаги ажримини кассация тартибида қайта кўриб чиқишга улар қонуний кучга кирганидан кейин бир йил мобайнида йўл қўйилади.

Статистик маълумотларга қараганда, фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишга қаратилган мурожаатлари йил сайин ортиб бормоқда. Бу эса, фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда одил судловга бўлган ишончи ортиб бораётганидан далолат беради. Жумладан, 2013 йилда

жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти судлари томонидан кўрилиб, тамомланган ишларнинг тўрт фоизи бўйича кассация инстанцияларига шикоят келтирилиб, протест билдирилган.

Ушбу даврда вилоят судининг кассация инстанциясида шикоят ва протестлар асосида кўрилган ишлардан 23 нафар шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорлари жиноят оқибатида етказилган зарарлар ўрни қоплангани, биринчи инстанция судлари томонидан судланганларнинг ҳаракатлари нотўғри квалификация қилингани ва уларга жазо тайинлашда жиноятнинг тури ва хусусияти, иш ҳолати етарлича эътиборга олинмагани сабабли ўзгартирилган.

Масалан, жиноят ишлари бўйича Жалақудуқ тумани судининг ҳукмига кўра, А.Саматов Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "а", "в", "г" бандлари ва бошқа моддалари билан айбдор деб топилиб, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Кассация инстанциясининг 2013 йил 7 ноябрдаги ажримиға мувофиқ, ишни кассация инстанцияси судида кўришда судланувчи томонидан етказилган моддий зарар тўлиқ қоплангани сабабли суд ҳукми ўзгартирилиб, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди.

Шунингдек, жиноят ишлари бўйича Андижон тумани судининг ҳукмига кўра, Ш.Холиқов ҳам айбдор, деб топилиб, озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган. Кассация инстанциясининг 2013 йил 29 ноябрдаги ажримиға мувофиқ, ишни кассация инстанцияси судида кўришда судланувчи томонидан етказилган моддий зарар тўлиқ қоплангани сабабли суд ҳукми ўзгартирилиб, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди.

Хулоса қилиб айтганда, суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ, қонуний чора-тадбирлар, шу жумладан, кассация тартибида иш юритиш тартибининг жорий этилгани фуқароларнинг қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

**Раҳматжон РАҲИМОВ,**

жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти судининг раиси